

ISSN 2181-5291

# PSIXOLOGIYA

ILMIY JURNAL

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ

SCIENTIFIC JOURNAL

Maxsus son, № 2, 2020

[www.psixologiyabuxdu.uz](http://www.psixologiyabuxdu.uz)





**Ганжиев Феруз Фуркатович,**  
Бухоро давлат университети таянч докторанти (PhD)

## МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАРБИЯЧИЛАРИ СОЦИАЛ-ПСИХОЛОГИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

**Аннотация:** Ушбу мақола мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари социал-психологик компетентлигининг психологик хусусиятлари назарда тутилган. Мақола мазмунида мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари социал-психологик компетентлиги концептуал асосда таҳлил этилган. Шунингдек, социал интеллект ҳам ушбу мақолада ўз аксини топган.

**Калим сўзлар:** Компетентлик, ижтимоий компетентлик, интеллект структураси, вербал ва невербал мулоқот, қобилият, ҳаракатланиш режаси, касбий фидоийлик.

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются психологические особенности социально-психологической компетентности воспитателей дошкольных образовательных учреждений.

В статье анализируется социально-психологическая компетентность дошкольных педагогов на концептуальной основе. Социальный интеллект также отражен в этой статье.

**Ключевые слова:** Компетентность, социальная компетентность, интеллектуальная структура, вербальное и невербальное общение, умение, план действий, профессиональная самоотдача.

**Annotation:** In this state, the psychological characteristics of the socio-psychological competence of preschool educators are considered. The state analyzes the socio-psychological competence of preschool teachers on a conceptual basis, which also reflects social intelligence.

**Key words:** Competence, social competence, intellectual structure, verbal and non-verbal communication, skill, action plan, professional dedication.

**Мавзунинг долзарблиги:** Бугунги кунда мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларлари касбий компетентлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш, унинг ўзига хос ижтимоий психологик омилларига жиддий эътибор қаратиш, мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари касбий фаолияти самарадорлигини таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Шу нуқтаи назардан, мактабгача таълим тизимининг барча босқичларида фаолият кўрсатаётган тарбиячиларида шахс хусусиятлари ва касбий компетентлик ўртасидаги психологик уйғунликни таъминловчи психологик механизмларни фаолият самарадорлигига бевосита таъсирини белгилаб берувчи омилларни аниқлаш ва тадқиқ қилиш асосида мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларида касбий компетентлик шаклланишининг ижтимоий-психологик механизмларини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш масаласи бугунги кунда таълим ислохотлари учун муҳим аҳамият касб этувчи ўзига хос долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2017 йил 30 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарорлари, 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ-36-51-сон «Мактабгача таълим тизимини янада ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 майдаги 391-сон «Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарор ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш масалалари муҳим вазифа сифатида белгилаб берилган.

Мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари учун касбий фаолиятнинг турли шароитларда бир томондан касб талабларига мос келиши, бошқа бир томондан эса ўзини касбий ривожлантириш мантиқига риоя қилиш, ҳар қандай ҳолатларда ҳам ички психологик турғунликни сақлаш муҳимдир.

“Компетентлик” тушунчаси таълим соҳасига психологик изланишлар натижасида кириб келган. Шу сабабли компетентлик “ноанъанавий вазиятлар, қутилмаган ҳолларда



мутахассиснинг ўзини қандай тутиши, мулоқотга киришиши, рақиблар билан ўзаро муносабатларда янги йўл тутиши, ноаниқ вазифаларни бажаришда, зиддиятларга тўла маълумотлардан фойдаланишда, изчил ривожланиб борувчи ва мураккаб жараёнларда ҳаракатланиш режасига эгаллик”ни англатади.

Касбий компетентликнинг тузилишини ташкил этувчи компонентлар унинг ривожланиш босқичи билан ҳам боғлиқлиги кузатилади. Қуйида касбий компетентлик негизида акс этувчи сифатларнинг моҳияти қисқача ёритилади.

**Ижтимоий компетентлик** – ижтимоий муносабатларда фаоллик кўрсатиш кўникма, малакаларига эгаллик, касбий фаолиятда субъектлар билан мулоқотга кириша олиш.

Касбий компетентликнинг муҳим шарт сифатида иштирок этувчи элементлардан бири социал компетентликдир. Мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг касбий компетентлигини таҳлилида унинг ушбу элементига алоҳида эътибор қаратишга тўғри келади.

Куниёна социал-компетентлик тузилишини қуйидагича белгилайди.

1. Вербал компетентлик
2. Коммуникатив компетентлик
3. Социо-профессионал компетентлик
4. Социал-психологик компетентлик
5. Эго-компетентлик

Г. Белицкая мактабгача таълим муассасаси тарбиячилариларда социал-психологик компетентлигини қуйидаги компонентларга ажратади:

1. Мотивацион компетентлик-атрофдаги инсонларга юқори ҳурмат билан муносабатда бўлиш. Яхшилик қилиш, ёрдам бериш ва эътиборли бўлиш

2. Когнитив компетентлик–тарбияланувчиларнинг қизиқишлари ва дунёқарашини адекват тушуниш

3. Хулқий компетентлик- шахслараро муносабатларда ҳамсуҳбатини адекват баҳолаш, этика қоидаларини ўзида шакллантириш

Бугунги кунда ҳам социал компетентлик ривожланишига таъсир қилувчи муҳим омиллардан бири социал интеллектни тадқиқ қилишга бағишланган энг аҳамиятли психологик модел сифатида Дж. Гилфорднинг назариясига алоҳида эътибор қаратилади.

Дж. Гилфорднинг интеллект структурасининг кубик модели ўзида 120 та интеллектуал қобилиятларни қамраб олган. Ҳар бир қобилият ўзининг кичкина кубигига мос келиб, мазмун, жараён ва натижалардан иборат учта координата ўқининг кесишмасидан ҳосил бўлади.

Дж. Гилфорд моделининг аҳамиятини баҳоловчи изланиш натижаларида қуйидаги жиҳатлар унинг кадр-қимматини белгилаши кўрсатилган:

- Инсон интеллектуал қобилиятларини тизимли ва батафсил ифода этувчи кенг маъноли концепция.

- Нисбатан қисқа вақт мобайнида интеллектуал қобилиятларни башорат қилиш имкониятининг мавжудлиги.

- Ушбу модел асосида амалий жиҳатдан мавжуд бўлган интеллектуал тестларни классификациялаш ва уларнинг маъно жиҳатдан натижаларини самарали талқин этилиши.

Ушбу дастурнинг ўзига хослиги кубик моделда социал интеллектнинг тўзилишига ҳам алоҳида ўрин ажратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Шунга кўра касбий компетентлик хулқ-атворни тушуниш имконини берувчи олтига омилни ўзида қамраб олган:

- Хулқ-атвор элементларини билиш – вербал ва новербал мулоқот ҳаракатларни ажратиш қобилияти.

- Хулқ-атвор сифатларини билиш хулқ-атвор ҳақидаги вербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш ёки вазиятли ахборотлар оқидамидаги умумий хусусиятларни аниқлаш.

- Хулқ-атвор муносабатларини билиш – хулқ-автор ҳақидаги ахборот бирликлари ўртасидаги алоқаларни ўрнатиш ва тушуниш қобилияти.

- Хулқ-атвор тизимини тушуниш – ўзаро таъсирлашувнинг яхлит ва-зиятларини ривожланишини, бу вазиятларда улар хулқ-атворини мазмунини тушуниш қобилияти.

- Хулқ-атворнинг ўзгартиришини билиш ҳар хил мазмундаги вербал ва новербал мулоқотнинг мазмунидан келиб чиқиб, ўзгаришлар мазмуни тушуниш қобилияти.

- Хулқ-атвор натижаларини билиш – мавжуд ахборотлардан келиб чиқиб, хулқ-атвор оқибатларини кўра олиш қобилияти.



Мазкур модел мутахассислар томонидан этироф этилаётганини инобатга олинса, уни таълим-тарбия жараёндаги социал ўзаро таъсирлашув масалаларини қийналмасдан таҳлил эта оламиз. Илмий мулоҳазалар бугунги кунда мактабгача таълим муассасаси тарбиячилариларда таркиб топтирилаётган касбий компетенлик жараёнини ўрганишни ва тадқиқ қилишни тақозо этмоқда. Шунга кўра, илмий таҳлилларимизга асосланиб, мактабгача таълим муассасаси тарбиячилариларда касбий компетенлик самарадорлигини ифода этишга йўналтирилган махсус иерархик тизим - схемаси ишлаб чиқилди ва ушбу тизим асосида касбий компетенлик омиллари ва уни тадқиқ қилиш услуги белгиланди.

Мактабгача таълим муассасаси тарбиячилариларини социал компетенлигининг умумий ҳолатини ўрганишда Дж.Гилфорд тестини татбиқ этишдан олинган қийматлар устида таҳлил амалга оширилади.

Дж.Гилфорднинг тести бўйича мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларилар социал интеллектини шартли равишда келтирилган стандарт баллар бўйича баҳолаймиз.

Мактабгача таълим муассасаси тарбиячилариларининг социал интеллекти даражаси таҳлили Дж. Гилфорд методикасининг тўртта субтестида кўзда тутилган: мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш. новербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш. вербал имо-ишораларни тушуниш. шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш кабилардан иборат шахс имкониятлари кўламини аниқлашга хизмат

**Жадвал № 1.**

**Мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг социал интеллектини умумий натижалари**

Методикалар	Шкалалар	X	У	t
Социал интеллектни ўрганиш тести (Гилфорд бўйича)	Мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини ту-шуниш	3,42	1,12	29,7
	Новербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш	3,52	0,92	35,9
	Вербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш	3,44	1,16	32,8
	Шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш	3,40	1,10	28,8

Энди, мактабгача таълим муассасаси тарбиячилариларининг социал компетенлигининг умумий шарҳига тўхталиб ўтайлик. Биринчи навбатда уларнинг «мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш» қобилятига мурожаат қилинади. Мактабгача таълим муассасаси тарбиячилариларининг бу шкала бўйича кўрсаткичлари 3,42 га тенг бўлди. Мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари фаолият жараёнида атрофдаги инсонлар ва тарбияланувчилари билан муомалада хулқ-атвор оқибатини олдиндан кўра олиш қобилятини шакллантиришган. Улар муомаладаги реал вазиятдан келиб чиқиб, унинг нима билан яқунлашини баҳолай олишлари, баъзан одамлар билан кутилмаган, нотипик ҳолатларда хатти-ҳаракатларни прогноз қилишда янглишишлари мумкинлиги, қўйган мақсадга эришишда ўз режаларини пухта ишлаб чиқа олишига хайрихоҳликларини англамоқда.

Мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг «новербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш» бўйича кўрсаткичи (3,52) эса уларни шахслараро вазиятларни яхши англашга, инсонлар орасидаги мураккаб вазиятларни таҳли эта олишга, уларни ривожланишини мантиқан тушуниш қобилятини ривожлантиришга ҳамда мураккаб вазиятларни мулоқот иштирокчиларини иштирокига қараб вазиятларни баҳолаш қобилятини ўстиришга имкониятлари борлигини кўрсатмоқда.

Социал интеллектда яна бир ўзига хослик вербал тарзда ифодаланаётган мулоқот ҳаракатларни тушуниш қобилятидир. Бу борада тарбиячиларнинг социал интеллектининг умумий кўриниши кўйидагича (3,42), яъни бошқа субтест натижаларига қараганда озроқ қуйи қиймат акс этганлигидир.

Бу эса тарбиячиларнинг шахслараро муносабат характерига кўра бир-бири билан суҳбатлашадиган инсонларни тез ва яхши тушунишга мойилликлари, мулоқотда ҳар қандай инсонлар билан тил топишиб кетишга имконликларини қайд этмоқда. Ўйлаймизки, ушбу қобилят улар учун нафақат инсонлар билан муносабат, балки тарбияланувчиларининг билдирадиган фикр-мулоҳаза ва муносабатларига қараб ҳам уларнинг шахсига хос таърифлар бера олишларидан далолат беради.



Социал интеллектнинг баҳоловчи навбатдаги шкала «шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш» бўлиб, у бўйича мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари 3,40 балл қийматига эга бўлдилар. Бу балл тарбиячиларнинг новербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш шкаласи билан бир хил қийматни акс эттирмакда ва қуйидаги психологик маънога эга бўлган ижтимоий қобилиятни ўзида акс эттиради: шахслараро вазиятларни яхши англашга, инсонлар орасидаги мураккаб вазиятларни таҳлил эта олишга, уларни ривожланишини мантиқан тушунишга, мураккаб вазиятларни мулоқот иштирокчиларини фаоллигига қараб вазиятларни баҳолаш қобилиятини ўстиришлари мумкин.

Жадвал № 2.

**Мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг социал интеллект кўрсаткичлари орасидаги корреляцион муносабат натижалари**

Шкалалар	Мулоқот иштирокчиси-нинг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш	НOVERBAL мулоқот ҳаракатларини тушуниш	Вербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш	Шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш
Мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш	1	0,364**	0,111	0,132
НOVERBAL мулоқот ҳаракатларини тушуниш	0,364**	1	0,022	0,272*
Вербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш	0,131	0,024	1	-0,131
Шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш	0,131	0,272*	-0,151	1

Изоҳ: \*\*  $p \leq 0.01$ . \*  $p \leq 0,05$

Юқоридаги мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг социал интеллектининг умумий ҳолатини сифат жиҳатидан таҳлил қилиш учун методика шкалаларининг кўрсаткичлари ўртасидаги корреляцион муносабатларни аниқлашга эришилди. Мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари социал интеллектининг умумий натижалари қийматлари ўртасидаги корреляция муносабатларида иккита аҳамиятли корреляцион салмоққа эга коэффицентлар аниқланди. Улардан биринчиси, «мулоқот иш-тирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш» қобилияти билан «новербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш» қобилияти орасида аниқланди:  $r=0,364$ ,  $p \leq 0,01$ . Социал интеллект шкалаларининг бундай салмоқли корреляция ко-эффиценти ўқитувчиларнинг касбий фаолиятида «мулоқот иштирокчиси-нинг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш» қобилиятини ривожлантириб боришлари «новербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш» қобилиятини ўсиши билан ўзвий бораётган экан. Бу эса, тарбиячиларнинг касбий фаолиятда хулқ-атвор оқибатини олдиндан кўра олиш, муомалада реал вазиятдан келиб чиқиб, унинг нима билан яқунлашини баҳолай олишлари, қўйилган мақсадга эришишда ўз режаларини пухта ишлаб чиқишлари, инсон хулқ-атворини бошқариши, ролли меъёрлари ва қоидаларига доир билим ва ўзаро таъсирлашуви, иштирокчилари билан боғлиқ новербал реакцияларда тўғри мўлжал ола билишлари туфайли инсон кечинмалари, мақсади ва ҳолатини новербал намоён бўлиши, мимикаси, позаси, имо-ишорасига кўра тўғри баҳолашга, мулоқот иштирокчиларининг новербал реакцияларини кўзатувчанлигига, новербал мулоқот ҳаракатларини тушунишга сезгирликни, бошқаларни тушунишларига имкон берар экан.

Мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларидаги «новербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш» қобилиятининг ривожланиши сабабли «шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш» қобилиятини яхшироқ намоён этишга олиб келар экан. Буни улар ўртасидаги корреляцион таҳлил қийматлари ифода этмоқда ( $r=0,272$ ,  $p \leq 0,05$ ). Бу икки қобилият орасидаги ўзаро ижобий корреляцион алоқадорлик қуйидаги социал интеллектнинг ифодаловчи

хусусиятларни камол топишига олиб келади: мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг инсон кечинмалари, мақсади ва ҳолатини новербал намоён бўлишини, мимикаси, позаси, имо-ишорасига кўра тўғри баҳолашлари, мураккаб вазиятларни мулоқот иштирокчиларини иштирокига қараб баҳолаш қобилиятларини ривожлантираётган эканлар. Демак, юқоридаги илмий мулоҳазаларга асосланиб шуни айтиш мумкинки муайян муаммони ўрганишга қаратилган методикалар бугунги кунда мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг касбий компетентлигини тадқиқ қилиш ва илмий хулосалар чиқариш имконини яратади.

#### Адабиётлар:

1. Куница В.Н., Казаринова Н.В., Погольша В.М. Межличностное общение/ Учебник для ВУЗов. – СПб.: «Питер», 2002 – 322 с
2. Петровская Л.А. Компетентность в общении. Социально-психологический тренинг. – М.: Изд-во Московского ун-та, 1989. – 242 с.
3. Петровская Л.А. Компетентность в общении: Социально-психологический тренинг. – М.: «Альфа-М», 1989. – 276 с.
4. Щукина Г.И. Педагогические проблемы формирования познавательного интереса учащихся. – М.: Педагогика, 1988. – 284 с.
5. Ғозиев Э.Ғ. Онтогенез психологияси. – Тошкент: “Мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари”, 2010 – 360 б.
6. Ғозиев Э.Ғ. Психология. – Тошкент: “Мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари”, 1994. – 224 б.



**Рахимов Рустам,**

*БухДУ мусиқа кафедрасининг мустақил тадқиқотчиси*

### ЎҚУВЧИЛАРНИ МУСИҚА ДАРСЛАРИДА АХЛОҚИЙ-ЭСТЕТИК ТАРБИЯЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

**Аннотация:** Мақолада мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиларининг ахлоқий–эстетик билим, кўникма ва малакаларини мусиқа дарсларида амалга ошириш йўллари, ижодий ижрочилик қобилиятини ривожлантиришининг педагогик-психологик хусусиятлари тўғрисида фикр юритилади.

**Калим сўзлар:** мусиқа асбоби, ижро, ахлоқ, эстетика, саҳна, ансамбл.

**Аннотация:** В статье рассматриваются пути реализации нравственно-эстетических знаний, умений и навыков учащихся школы музыки и искусств на уроках музыки, педагогические и психологические особенности развития творческих способностей.

**Ключевые слова:** музыкальный инструмент, исполнение, этика, эстетика, сцена, ансамбль.

**Abstract:** the article deals with ways to implement moral and aesthetic knowledge, skills and abilities of students of the school of music and arts in music lessons, pedagogical and psychological features of the development of creative abilities.

**Key words:** musical instrument, performance, ethics, aesthetics, stage, ensemble.

**Мавзунинг долзарблиги:** Болалар мусиқа ва санъат мактабларидаги мусиқа дарслари ўқувчиларни мусиқа санъати билан яқинроқ ошно қилиш, уларда ахлоқий–эстетик туйғуларни мукамал шакллантириш, дунёқарашини, этикодини ва маънавий эҳтиёжларини таркиб топдиришда катта имконият яратади.

“Яхши дид пойдевори-кенг маданий савияли бўлиш, адабиёт ва санъатдаги турли-туман йўналишларни билиш ва тушуниш, ашула айта олиш ва чолғу асбобларини чала билишдир”- деган эди профессор К.Хошимов.

*Мундарижа / Содержание / Contents*

3	<b>Муסיнова Р.Ю.</b>
	Структурно-функциональная модель креативной саморегуляции современного педагога Structural and functional model of creative self-regulation of a modern teacher
12	<b>Аслонов И.Н.</b>
	Психологический тренинг как средство преодоления барьеров общения в профессиональной сфере Psychological training as a means of overcoming communication barriers in the professional field
17	<b>Қораева Ю.Х.</b>
	Психологияда эгоизм муаммосининг тадқиқ этилиши The study of the problem of selfishness in psychology
21	<b>Назаров А.М.</b>
	Спортчиларда психологик муҳофазани шакллантириш усуллари Methods of formation of psychological protection in athletes
27	<b>Абдуманнотов Э.А.</b>
	Умумтаълим мактаблари ўқувчиларида экскурсия туризми воситасида ватанпарварлик туйғусини шакллантириш механизмларини такомиллаштиришнинг психологик шарт – шароитлари. The psychological conditions of developing the mechanisms of encouraging nationalistic sentiments among state schoolchildren by means of excursions to places of historical importance.
34	<b>Алимарданова Р.Н.</b>
	Оилада соғлом психологик муносабатларни таъминлашнинг муҳим омиллари Important factors in maintaining a healthy psychological relationship in the family
38	<b>Бозоров З.А.</b>
	Тиббиёт олийгоҳи талабаларида фуқаролик маданиятини ривожлантиришнинг психологик хусусиятлари Psychological features of the development of civic culture in medical students
44	<b>Zaripov N.N.</b>
	О'қувчиларга дастurlash tillarini o'qitishda o'yin texnologiyalaridan samarali foydalanishning psixologik imkoniyatlari Psychological possibilities of effective use of game technologies in teaching programming languages to students
50	<b>Рўзиев М.Қ.</b>
	Таълим жараёнида янги педагогик технологиялардан фойдаланишнинг психологик имкониятлари Psychological possibilities of using new pedagogical technologies in the educational process
53	<b>Акрамов М.Р.</b>
	Экологик онг ва ахлоқий тасаввурлар ўртасидаги ўзаро алоқанинг психологик асослари Psychological basis of the interaction between ecological consciousness and moral perceptions
56	<b>Остонова Г.Р.</b>
	Ўқувчилар томонидан санъат асарларини идрок ва тасаввур қилинишининг ўзига хос хусусиятлари Peculiarities of students' perception and imagination of works of art



63	<b>Ёқубова Д.М.</b>
	Мактабгача ёшдаги болалар тафаккурини ўстириш воситаларини қўллаш ва тадбиқ этиш психологияси Psychology of application and application of means of development of thinking of preschool children
68	<b>Исакова М.Т.</b>
	Диний эътиқод шахс рухий саломатлигининг омили сифатида Religious faith as a factor of mental health
73	<b>Баротова Д.Ш.</b>
	Психологик хизмат самарадорлигини тадқиқ қилишда кэттелл ва рикс-уэссман усулларидан фойдаланишнинг статистик имконияти Statistical possibility of using the Kettell and Re[-Wessman methods in the study of the effectiveness of psychological services
78	<b>Ганжиев Ф.Ф.</b>
	Мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари социал-психологик компетентлигининг психологик хусусиятлари Psychological features of socio-psychological competence of preschool teachers
82	<b>Рахимов Р.</b>
	Ўқувчиларни мусиқа дарсларида ахлоқий-эстетик тарбиялашнинг педагогик-психологик хусусиятлари Pedagogical and psychological features of moral and aesthetic education of students in music lessons
85	<b>Балиев У.И.</b>
	Мусиқа таълими йўналиши талабалари тарбиясига педагогик-психологик тизим асосида ёндошиш Approach to the education of students in the field of music education on the basis of pedagogical-psychological system
87	<b>Қўшаев И.А.</b>
	Достон номалари идрокини шакллантириш омиллари Factors shaping the perception of epic letters
91	<b>Ахтамов И.И.</b>
	Бошланғич синф ўқувчиларини мақом санъати билан ошно қилишнинг психологик хусусиятлари Psychological features of acquainting primary school students with the art of makom
95	<b>Рўзиев Д.Й.</b>
	Оркестрда ижро этишнинг айрим педагогиква психологик омиллари Some pedagogical and psychological factors of orchestral performance
102	<b>Рўзикулова А.Т.</b>
	Касбий тажриба педагогик фаолиятда манипулятив мулоқот хусусиятларини белгиловчи омил сифатида Professional experience as a factor determining the characteristics of manipulative communication in pedagogical activity





102	<b>Berdiyeva G.J.</b>
	Nizolarda konstruktiv xulq-atvor shakllanishining ijtimoiy-psixologik omillari Socio-psychological factors of the formation of constructive behavior in conflicts
112	<b>Сатторов А.Э., Ибрагимов А.К.</b>
	Спортчиларда ҳиссий-иродавий сифатлар шаклланишининг психологик хусусиятлари Psychological features of the formation of emotional and volitional qualities in athletes
118	<b>Кадирова М.Р., Эргашева Ш.П.</b>
	Педагогические - психологические условия и мотивация в развитии творческой активности студентов при изучении иностранного языка в медицинском вузе Pedagogical - psychological conditions and motivation in the development of creative activity of students in the study of a foreign language at a medical university
123	<b>Исмамова Д.Т.</b>
	Талаба ёшларда коммуникатив толерантликни ўрганишнинг психологик имкониятлари Psychological possibilities of studying communicative tolerance in student youth
125	<b>Баратов Ш.Ш., Саламов С.Т.</b>
	Развитие психологических навыков сотрудника таможенного органа при определении правильного кода тн вэд товара The development of psychological skills of the customs officer in determining the correct code tn foreign trade goods
130	<b>Умурзоқов Д.Х., Расулова Ю.Б.</b>
	Илк ўспиринларнинг ёшга оид психологик хусусиятлари ва уларни миллатга мансубликни англашни шакллантиришдаги ўрни Agerelated psychological characteristics of early adolescents and their role in shaping their perception of ethnicity
132	<b>Сафаров Д.Х.</b>
	Савдо-сотикдаги психологик таъсир ва унинг назарий-амалий таҳлили Theoretical-practical analysis of the psychological impact of trading
<b>ИЛМИЙ МУШОҲАДА</b>	
138	<b>Останов Ш.Ш.</b>
	Арт-терапия воситалари орқали талаба-ёшлар креативлигини ривожлантириш
141	<b>Кадиров. А.М.</b>
	Рухият ва маънавият уйғунлиги
142	<b>Хидиров А.А.</b>
	Бўлажак мусиқа ўқитувчилари бадий дидини ривожлантиришда мумтоз мусиканинг методик асослари Methodological basis of classical music in the development of artistic tastes of future music teachers
<b>УСТОЗГА ЭҲТИРОМ</b>	
146	<b>Баратов Ш.Р.</b>
	Устоз Бако Ҳафизов 87 ёшда
148	<b>ОАК ХАБАРЛАРИ</b>



*Bizning yangilangan saytimizga tashrif buyuring*  
**PSIXOLOGIYA.BUXDU.UZ**

**Saytimizda maqolalarni o'qishingiz va ularni elektron nusxasini yuklab olishingiz mumkin**



<p><b>PSIXOLOGIYA</b>          ilmiy jurnal          Maxsus, 2-son (41)          Buxoro – 2020. 142 b.</p> <p><b>PSIXOLOGIYA</b>          научный журнал.          Специальный выпуск 2.          (41)          Бухара – 2020. – 142 с.</p>	<p>Jurnal O`zbekiston psixologlarining BuxDU muassisligidagi nashri hisoblanadi.</p> <p><b>Jurnalning nashr sifati uchun bosmaxona javobgar.</b></p> <p>OBUNA INDEKSI 3062</p>	<p>Jurnal tahririyat kompyuterida sahifalandi.          Bosishga ruxsat etildi</p> <p>Qog`oz bichimi 60x84, 1/8          Tezkor bosma usulda bosildi.          Shatrlı bosma tabog`i - 15 Buyurtma №75. Adadi – 60          Bahosi kelishilgan narxda.          “Sharq Buxoro” MCHJ bosmaxonasida chop etildi.          Bosmaxona manzili:          Buxoro sh. M. Iqbol, 11-uy.</p>
-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

*Jurnal O'zbekiston Respublikasi  
Vazirlar Mahkamasi huzuridagi OAK  
Rayosatining 2013-yil 26-dekabrdagi  
201/3-sonli qarori bilan psixologiya  
fanlari bo'yicha dissertatsiya ishlari  
ilmiy natijalari yuzasidan ilmiy  
maqolalar chop etilishi lozim bo'lgan  
ilmiy jurnallar ro'yxatiga kiritilgan.*

ISSN 2181-5291



9 772181 529113

11